# Мадинанинг чўриларидан бири

11:44 / 17.11.2018    1666

???????? ?????: ???? ??????? ???????? ????
??????? ???????????? ?????????? ??????
?????????? ?????? ????? ??????? ??????????
???????????? ???? ????? ???????. ???????
????????????.

605/4. Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Мадинанинг чўриларидан бири Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни қўлларидан тутиб, хоҳлаган жойига олиб кетаверар эди».

**Изоҳ:** «Қўлларидан тутиб» деган жумла мажозий бўлиб, бевосита ушлаш маъносида эмас. Бу ерда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадина аҳлининг раҳбари бўлишларига қарамай, ўта камтар, бетакаллуф бўлганларидан оддий бир чўри аёл ҳам у зотга бемалол мурожаат қила олиши таърифланмоқда.

Имом Бухорий ривоятлари.